O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
QUVASOY SHAHAR
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТЬ
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМ
ГОРОДА КУВАСАЯ

150900, Quvasoy shahar, Mustaqillik ko'chasi 45 uy, tel: (73) 372-07-71, http: www.quvasoy.uz

« 16 » март 2020 йил **145-сон** **Қувасой шаҳри**

Йўл белгиларини ўрнатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги ““Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-348-сон *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда; 2015 й., 52-сон, 645-модда)* Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сон *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 23-модда; 2017 й., 36-сон, 958-модда)* қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, йўл транспорт ҳодисаларини олдини олиш, автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларга қулайлик яратиш, айниқса, таълим муассасаларининг тарбиячи ва тарбияланувчиси, ўқитувчи ва ўқувчиларининг автомобиль йўлининг қатнов қисмларидан ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашни ҳисобга олиб, Қувасой шаҳар Ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи (кейинги ўринларда ИИБ ЙХҲГ деб юритилади) нинг 2020 йил 17 январдаги 20-сонли хати ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6,25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қувасой шаҳар Ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳининг 2020 йил 17 январдаги 20-сонли хати инобатга олинсин.

2. Қувасой шаҳар, 4Р-143 “Фарғона-Қувасой-Қизилқия” автомобиль йўли бўйлаб жойлашган 1 дона 3.27 “Тўхташ тақиқланади”, 2 дона 3.28 “Тўхтаб туриш тақиқланади”, 4Р-204 “Фарғона халқаси-Суфон” автомобиль йўли бўйлаб жойлашган 2 дона 3.27 “Тўхташ тақиқланади”, 4К-843 “Қобулбек-Лашкар-Валик” автомобиль йўли бўйлаб жойлашган

2 дона 3.27 “Тўхташ тақиқланади”, 4К-844 “Қувасой-Полмон” автомобиль йўли бўйлаб жойлашган 2 дона 3.27 “Тўхташ тақиқланади” ва 4Н-846 “Қувасой Муян-Оқтош” автомобиль йўли бўйлаб жойлашган 2 дона 3.27 “Тўхташ тақиқланади” йўл белгиси ўрнатилишига рухсат этилсин.

3. “Қувасой йўллардан фойдаланиш” унитар корхонаси (Каримов) ушбу йўл белгиларини ўрнатиш чораларини кўрсин.

4. Қувасой шаҳар ИИБ ЙҲХГ (Хамралиев) га автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва йўл транспорт ҳодисаларини олдини олиш вазифаси юклатилсин.

5. Шаҳар ҳокимлиги девонхонаси (Сайфутдинова), шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати (Мирзабоев) билан биргаликда мазкур қарорни “Исфайрам” газетасида нашр этилишини ва шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини, қоғоз ва электрон шаклларда, бир кунлик муддатда, тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотларига етказилишини таъминласин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Н.Алимов зиммасига юклатилсин.

7. Қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Шаҳар ҳокими **А.Зиявитдинов**